



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 3 январь, № 2 (7504)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИДАН

Устувор йўналишлар:



2019 йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик. Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.



Иқтисодийтимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.



2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар. Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди. Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлири, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда. Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.



Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда. Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортага қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Куролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда. Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.



Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз. 2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотларимизни фаол давом эттирамиз. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз.



Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилди.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз. Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади. Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшниларимиз билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз.

БИЗ МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДАМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги мамлакатимизда ўтган уч йил давомида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ва янги йилда олдимизда турган улкан мақсадларимизнинг қисқа, лўнда таҳлил қилингани билан барчада катта қизиқиш уйғотди. Қўйида айрим юртдошларимизнинг дил сўзлари билан таништирамиз.

Тўлқин КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимиз Ўзбекистон халқига йўлаган Янги йил табригида бежиз: “Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда”, дея алоҳида таъкидлаб ўтмади. Дарҳақиқат, охириги уч йилда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгариш ва янгиланишларни яна бир бор кўздан кечирсак, жамиятни демократлаштириш бобига муҳим қадамлар ташлашиб, салмоқли натижалар қўлга киритилганига амин бўламиз.

Буни 2019 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

“Янги Ўзбекистон — янги сайловлар” шиори остида ташкил этилган

бу галги сайловлар демократик тамойилларга ҳар жиҳатдан мос, очиқ-ошқора ва шаффоф тарзда ўтказилганини нафақат юртдошларимиз, айтиш мумкин, чет элликлар, нуфузли халқаро ташкилотлар кузатувчилари ҳам таъкидлашди.

Дарҳақиқат, нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, айтиш мумкин, маҳаллий Кенгашлар депутатлиги сайловига ҳам қизиқиш ва эътибор ошгани яққол сезилди. Бунинг сабаби эса Юртбошимиз ташаббуси билан парламент қаторида маҳаллий Кенгашларга ҳам жуда катта ваколатлар берилгани билан боғлиқ.

Ишонимизки, янги сайланган депутатлар жамиятни демократлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларга янгича суръат қўшадилар.

Сайёра БАРАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Сир эмас, хотин-қизларнинг давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қарорлар қабул қилишдаги иштирокини ҳамда сайлов ҳуқуқлари ва имкониятини кенгайтириш мамлакатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Охириги уч йилда гендер тенгликни таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси

ташкил этилди. 2019 йил ноябрь ойида эса “XXI асрда гендер ва ёшлар масалаларида шерикликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро форум ўтказилди.

Табиийки, ушбу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бера бошлади. Буни ўтган йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар жараёнида кузатдик. Юртимизда хотин-қиз сайловчилар салмоғи 10,3 миллиондан ошгани ва сиёсий партиялардан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг 310 нафари ёки 41,3 фоизи аёллар эканлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Юртбошимиз ўз табригида: “... мунис опсингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз” деди. Бу маъzur йўналишдаги ишларимиз янги босқичга кўтарилди, хотин-қизлар фаоллиги янада ошади, дегандир.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Президентимизнинг Янги йил табриги қисқа ва мухтасар бўлса-да, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла она халқимиз, Ватанимиз тақдирини, хусусан, ёшларимиз келажагини, қалбимиздаги орзуларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Табрик асосида кўнглимиздан ўтдики, юртимизда амалга оширилаётган ишларда ортага қайтиш йўқ. Хусусан, таълим-тарбия, маънавият, маърифат масаласи истиқболда ҳам энг муҳим масала сифатида қаралади. 2020 йил орзу-умидларимизнинг залворини, унинг амалдаги ифодасини белгилаб берадиган муҳим босқич бўлади.

Табрик шунчаки табрик эмас, ҳар биримизнинг йўлчи юлдузи-миз ва йил давомида қилинажак ишларимизнинг дастуриламали, дилдан чиққан, жамики халқимизнинг орзу-умидлари тимсоли билан боғлиқ бир кутлов бўлди, деб ўйлайман. Вазифалар жуда ҳам кўп, масъулият жуда катта. Ҳаловат билмасдан, жоннинг оромидан кечиб, шу халқ, Ватанинг гуллаб-яшнаши учун, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун курашмоғимиз керак. Чунки бу ҳаётда яшаш осон иш эмас.

БИЗ МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДАМИЗ

Мамлакатимизда чамалаб кўрадиган бўлсак, кейинги уч йилда жуда-жуда ўзгаришлар амалга оширилди. Сўз билан иш бирлигини, режа билан ваъда бирлигини буй чўзган шахарлар, обод қишлоқлар мисолида, ижод мактаблари тисмолида кўрдик. Утган йилни шижоат, матонат йили бўлди, деймиш. Уша Абдулла Қодирий ижод мактаби билан "Турон" кутубхонасининг бунёд этилиши, Ал Хоразмий ҳазратлари номидаги иктисослаштирилган мактабнинг очилиши олиб борилган ишларнинг тисмолида бўлди, дейиш мумкин. Адабиёт, маърифат соҳасида амалга оширилган бу каби ишларнинг ҳаммаси Ватанимизнинг равнақи, ёшларимизнинг маънавий қамолоти йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлардир. Бу борадаги ишларнинг изчил давомийлиги ҳар биримизга катта куч, бандан руҳ ва ишонч бағишлайди.

Ботир МАТМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари ўз табригида: "Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида улкан натижаларга эришдик. Мамлакатимиз салохияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди" дея алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам 2019 йилда барча соҳалар, жумладан, Олий Мажлис Сенати фаолиятида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Хусусан, ўтган йилда парламент юқори палатаси томонидан 85 та қонун маъқулланди, Хукуматга 26 та парламент сўрови юборилди, 150 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Биргина назорат-таҳлил тадбирларининг ўзи 2015 йил-

Руслан МАМБЕТҚАДИРОВ, «Мўйноқ аква санаот» давлат унитар корхонаси раҳбари:

— Юртбошимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилаётгани ҳам таъкидлади.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ҳар бир ташрифи муҳим ижобий ўзгаришлар, йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун пойдевор бўлмақда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 20-21 август кунлари Оролбўйига амалга оширган ташрифи натижада 14 триллион 805 миллиард сўмлик 697 лойиҳа рўёбга чиқарилиши ва 14 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилиши белгиланди. Эътиборлиси, ушбу ишлар қисқа фурсатларда ҳаётимизда ўз аксини топди.

Хусусан, Янги йил арафасида ўз фаолиятини бошлаган «Мўйноқ аква санаот»

давлат унитар корхонаси ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар мевасидир. Қиймати 20,2 миллиард сўмлик лойиҳа рўёбга чиқishi билан 150 та иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, йилга 4 минг тонна баликни қайта ишлаш, 200 тонна тузланган балик, 780 тонна қийма, 400 тонна филе, 9 миллион донна консерва ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

Бошланган йил юртимиз учун бундан бариб беради. Зеро, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқига Янги йил табригида "2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотларимизни фаол давом эттирамиз", дея алоҳида таъкидладилар. Биз ҳам ана шу ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб, янгилаётган Ўзбекистонимиз тараққиётига ва бу орқали халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшамиз.

«ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ» ҳаётимизда қандай ўзгаришлар ясади?

Мамлакатимизда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" дея ном берилган 2019 йил ўз поёнига етиб, Янги — 2020 йилни қарши олдик. Ҳўш, ортага назар солиб, ўтган бир йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, нималарга, қандай натижаларга эришдик? Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "иқтисодий драйвери", яъни инвестициялар жалб этилиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда қандай ўзгаришлар ясади?

Сарҳисоб

Халқаро тажрибадан маълумки, қаерда фаол инвестиция сисётати юритилса, ўша жойда иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш кузатилган. Зотан, инвестиция билан бирга, нафақат соҳа ва тармоқларга, балки олис ҳудудларга янги технологиялар, инновациялар, илгор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар, қисқача айтганда, тараққиёт кириб келади. Пировардида тадбиркорлик ҳаракати кенг кўл очиб, ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар рўй беради. Президентимиз 2019 йилга берилган ном ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: "Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратди".

Дарҳақиқат, дастлабки ҳисоб-ки-тобларга қараганда, Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси иқтисодиёт тармоқларида юқори ўсиш суратларини таъминлаш имконини берди. Чунки биргина Инвестиция дастурига 2018 йилдаги нисбатан 16 фоиз кўп, аниқроғи, умумий қиймати 16,6 миллиард АҚШ долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳалар киритилиб, йил давомида, жумладан, 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган эди.

Қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратишга қаратилган тизимли ислохотлар тадбиркорлик ривожига кенг йўл очди. Давлат статистика қўмитасидан маълум қилишларича, 2019 йилнинг 11 ойида 415,1 минг та корхона ва ташкилот рўйхатдан ўтказилди ва аввалги йилнинг шу давридаги нисбатан 23 фоиз ўсиш кузатилди. Шундан 89 минг 923 таси янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари эканлиги, бу кўрсаткич

аввалги йилнинг тегишли давридаги таққосланганда 1,8 баробар кўпайганили диққатга сазовор. Эътиборлиси, мазкур ҳўжалик юритувчи субъектларнинг асосий қисми санаот, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари улушига тўғри келди.

Кибрай туманининг Ғнариқ қишлоғида ишга туширилган "Miss Lighting" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси шулардан биридир. Энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқаришга иктисослаштирилган мазкур лойиҳа ижроси учун 10 миллиард сўм сармога йўналтирилиб, хорижий илгор технологик линиялари олиб келинди. Ҳозир бу ерда 120 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

— Тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, бино ва иншоотлар инвестиция киритиш шарти билан текнига берилаётгани бизнес-режаларимизга қанот бўляпти, — дейди мазкур корхона раҳбари Умида Раҳмонова. — Биз ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, импорт ўрнини босувчи LED лампалар ва қандиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 2020 йилда яна 500 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этиб, фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз.

Таъкидлаш керакки, чет эл инвестицияси ўз-ўзидан келмайди. Негаки, бугун ҳақон иқтисодиётида инвестиция учун ижобий маънода кураш кетяпти. Ҳатто дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам қўллаб-қувватлаётган сармога киритиш баробарида, ўз иқтисодиётига инвестиция жалб қилиш ҳаракатини асло сусайтиргани йўқ. Сабоби тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар барқарор иқтисодиёт гаровидир. У янги қувватларни ишга тушириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, санаот рақобатдошлигига эришиш имконини беради.

Бу жараёнда Ўзбекистоннинг иштироки кенгайтирилди, бир йил давомида чет эллик инвесторларни жалб қилишда қандай чора-тадбирлар қўрилди, деган савол туғилиши табиий.

Экспертларнинг эътирофи этишча, кейинги пайтда Ўзбекистонда инвестицияларни жалб қилиш борасида тамомила янги ва самарали механизмлар қўлланилмоқда. Хорижий сармоядорларнинг ҳўқуқ ва манфаатлари ҳимояси қонун билан кафолатланяпти. Натижада ўз бизнесини юртимиз билан боғламоқчи бўлган инвесторлар сафи кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мутахассисларининг айтишича, 2019 йилда қатнаш, лекин эгаллаш мумкин бўлган марра қўйилганди. Яъни 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард долларлик тўғридан-тўғри чет эл сармоялари ўзлаштирилиши белгиланди. Бунинг ижросини таъминлаш учун, айниқса, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Буюк Британия ва Польша давлатлари билан инвестициявий алоқалар янада мустаҳкамланиб, улар иштирокида йирик лойиҳалар ижросига киришилди.

Яна Давлат статистика қўмитаси маълумотларига мурожаат қиламиз. Унда келтирилишича, 2019 йилнинг тўққиз ойида 134 трлн. 29,4 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган. Шунинг 79,0 фоизи жалб этилган маблағлар, 21 фоизи корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келди. Инвестициявий муҳитни яхши-

Муаззам ТОЖИБОЕВА, (Косонсой тумани, Мажнунтол маҳалласи):

— Президентимизнинг табригини тинглаб, гоётада тўлқинланиб кетдим. Давлатимиз раҳбари юртимизда изчил ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар 2020 йилда ҳам фаол давом эттирилишини қайд этди. Айниқса, одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар янада кенгайтирилиши, жумладан, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берилиши мен каби меҳнат қобилияти чеklangан инсонлар қалбини янада нурафшон қилди.

Зотан, ўтган йили Президентимизнинг ана шундай ғамхўрлигини баҳраманд бўлиб,

хўшимизга қувонч кириб келди, эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланди. Ўзимнинг ҳам, турмуш ўртоғимнинг ҳам ногиронлиги бор. Тураржой масаласида кўп йиллардан буён қийналиб келаётган эдик. Оиламизга туманимизда бунёд этилган кўп қаватли уйлардан икки хонали хонадон ажратилди. Янги бошпанамиз имтиёзли тўлов шартлари асосида расмийлаштириб берилди. Бошлангич тўловнинг давлат томонидан қўллаб берилиши, айниқса, катта енгиллик бўлди. Бундай эзгу ишларнинг изчил давом эттирилиши яна минглаб кўнглиларга шодумонлик инанади, яна минглаб инсонларнинг умид ва ишончи, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланади, деганидир.

Осиё МИРЗАЕВА, шифокор (Бухоро шаҳри):

— Ҳар йили курантларимизда тўғри суат ўн иккига бонг ўришдан олдин давлатимиз раҳбарининг ўзи телевидение орқали чиқиб, халқимизни Янги йил байрами билан табриклиши — бу жуда катта воқеа! Чунки халқ ўзининг Йўлбошчисига, Президентига ишонади ва мазкур табрик билан бу ишончимиз янада мустаҳкамланди, деб ўйлайман. Юртбошимиз ўз табригида табиий соҳасига ҳам тўхталиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топширишга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилишини таъкидлади. Ўтган йилги ҳам соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, ҳусусий табиий ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизи-

Шаҳзода КАРИМБОЕВА, Тўртқўл туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчиси:

— "Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этадим". Биз, ёшлар Президентимизнинг бу сўзларидан яна бир бор оталарча ғамхўрликни туйдик. Шу билан бирга, қалбимизда гурурифтхор жўш урди, эртанимиз янада порлоқ бўлишига ишончимиз ортди. Аслида, давлатимиз раҳбари ҳар бир тадбирда, ўрашувларда,

Осиё МИРЗАЕВА, шифокор (Бухоро шаҳри):

— Ҳар йили курантларимизда тўғри суат ўн иккига бонг ўришдан олдин давлатимиз раҳбарининг ўзи телевидение орқали чиқиб, халқимизни Янги йил байрами билан табриклиши — бу жуда катта воқеа! Чунки халқ ўзининг Йўлбошчисига, Президентига ишонади ва мазкур табрик билан бу ишончимиз янада мустаҳкамланди, деб ўйлайман. Юртбошимиз ўз табригида табиий соҳасига ҳам тўхталиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топширишга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилишини таъкидлади. Ўтган йилги ҳам соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, ҳусусий табиий ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизи-

Ўткир ТИЛЛАЕВ, Навояй вилоти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи:

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқига Янги йил табригида янгилаётган Ўзбекистонимиз тарихи саҳифаларидан ўрин олган йилни халқимиз учун чинакам синовлар йили, шу билан бирга, сўнгги уч йилда амалга оширилган ислохотларнинг амалий самаралари бўй кўрсатган давр сифатида таърифлади.

Ҳақиқатан ҳам, 2019 йил мамлакатимизнинг янги тарихида миллий юксалишнинг илк мевалари ўзини кўрсата бошлади. Айниқса, аҳолини узоқ йиллар мобайнида ташвишга солиб келаётган муаммоларни жойида ўрганиш

Осиё МИРЗАЕВА, шифокор (Бухоро шаҳри):

ва уларга ечим топиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, ногиронлиги маъжуд қишлоқларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги хайрли ишлар амалга оширилаётган ислохотларга юртдошларимизнинг ишончини оширди. Энг муҳими, янгилашларнинг дастлабки йилларидаёқ барча муаммолари халқимиз билан ҳамжиҳат ечимиз, деган тамойилга қатъий амал қилинмоқда. Бу жараёнда келажак авлод таъмин-тарбиясига қаратилган эътибор диққатга молик. Шу жиҳатдан вилотимизда амалга оширилган ишлар ҳусусида тўхталсак, 2019 йил-

да мактабгача таълим тизими ҳақида ўтган йиллардаги нисбатан 15 баравар кўп маблаг ажратилиб, мактабгача таълим муассасалари сонини уч баравар ошди. Натижада боғча ёшидаги болалар қамрови 41,8 фоиздан 61,7 фоизга етказилди.

Шунингдек, таъриқда кириб келган йилда бу каби ишлар қамрови янада кенгайтирилиши таъкидланди. Албатта, бу халқимизнинг қалбига эртанги кунга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаб, сидқидилдан меҳнат қилиш, фидойиллик намуналарини кўрсатиш маъсулятини юклайди.

Осиё МИРЗАЕВА, шифокор (Бухоро шаҳри):

ми тақомиллаштириш, кўрсатилган хизматлар ҳамини турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Табиийнинг барча йўналишига ҳақон илм-фаннинг илгор усуллари татбиқ этилмоқда. Жумладан, жарроҳлик соҳасига янги-янги диагностика ва даволлаш усуллари кириб келди. Айниқса, трансплантология амалиёти йўлга қўйилиши инсон ҳаётини асрашда, оғир касалликлар туғайли ногирон бўлиб қолган инсонларни соғлом ҳаётга қайтаришда катта ютуқ бўлди. Шубҳасиз, бу борадаги ўзгаришларни халқимиз катта мамнулик билан қутиб олмақда. Ўйлайманки, бу ҳали ишларнинг бошланиши. Эндиликда барча соҳада мамлакатимиз дунёнинг энг илгор давлатлари даражасига кўтарилишига ишончим қомил.

Осман МЕСТЕН: «ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИМИЗДА БУ ЙИЛ ҲАМ ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА»

Туркия Буюк Миллат Мажлисидаги "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Осман Местен "Дунё" АА орқали икки давлат ўртасида ривожланиб бораётган дўстона алоқалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Биз ва ҳақон»

— Қардош ўзбек халқи учун 2019 йил жуда қутлуг келди, — дейди у. — Йил давомида Ўзбекистон неча йилларга татигулик улкан ютуқларга эришди, янгилаш ва тараққиёт йўлида дадил қадамлар ташлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ғайрат-шижоатга тўла раҳнамолиги остида Ўзбекистонда очилган янги давр тараққиёти изчил давом этди ва мамлакатда ўзгача бир кўтаринкилик шуқуқи, дадиллик ва ислохотчилик руҳи ҳўкмон бўлди. 22 декабрь кунини "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" ширини остида ўтказилган парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловлари натижаларини бунга бир мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Қамина ҳам кузатувчи сифатида иштирок этган бу муҳим сиёсий воқеа Ўзбекистоннинг демократик тараққиёти тарихида ижобий бўлиши нуқтаси бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, овоз ва обод масканга айланган бораётган Ўзбекистон қўлга киритган қатор ижобий натижалар нафақат ўзбек халқига, балки дўст мамлакатлар қадр-аҳлига, хусусан, Туркия жамоатчилигига ҳам самийий қувонч ва ифтхор туйғуларини бахш этди. Мисол учун, биз 2019 йил

октябрь ойида Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга тўлақонли аъзо давлат сифатида қўшилишини катта мамнулик билан қутиб олдик, қутладик.

Мамлакатимиз раҳбарлари — Президент Режеп Таййип Эрдоғон ва Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида халқаримизнинг азалий орзулари ушала бошлади, умумий қадриятлар ва муштарак манфаатлар асосида ўзаро яқинлашув, биродарлашув, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик жараёни жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

2020 йилда Ўзбекистон янги мувафакятларни қўлга киритишига, барқарор тараққиёт, фаровонлик йўлида янги погоналарга кўтарилишига ва янги марраларни забт этишига ишонамиз. Ўзаро алоқаларимизда ҳам бу йил тарихий воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда.

Мана шундай ақоиб сарҳисоб асосида, Туркия Буюк Миллат Мажлисидаги "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи аъзолари қадрдон ўзбек халқига 2020 йил баррақали келсин, деймиш, самарали натижаларга, янги ютуқларга бой бўлишини тилаб қоламиз.

«Халқ сўзи»

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ватанпарварлик — Миллий юксалиш Кафолати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Муҳофаа вазирлиги томонидан Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга қўрилаётган тайёргарлик жараёнларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман

Таъкидланганидек, 2019 йил 13 декабрда ана шу саналарни кенг нишонлаш бўйича Президент фармойиши қабул қилинди. Унга мувофиқ, 15 декабрдан 15 январьга қуримиз бўлиб "Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати" ширини остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар уюштирилмоқда.

Муҳофаа вазирлигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бўлим бошлиғи Валижон Дадажонов бу ҳақда қуйидагиларни гапирди берди:

— Мазкур тадбирлар тарғибот-тушунириш, маданият ва маърифат, спорт ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш сингари бир қатор вазибаларни ўз ичига қамраб олган. Унга қўра, "Мен, албатта ҳарбий бўламан!" мавзусидаги ижодий ва амалий санъат танловлари, спорт мусобақалари, "Мен ҳам Ватанимга хизмат қиламан!" мавзусидаги эстафеталар, ҳарбий оркестр ва бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг концерт дастурлари, "Techno Discovery" номли ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг намоийиши ҳамда турли фестиваллар ўтказилиши режалаштирилган. Бунда асосий эътиборни тадбирларни фақат ҳарбий хизматчилар учун ёки уларнинг иштирокида ўтказишга эмас, балки ҳар бир мактаб, маҳалла, корхона ва ташкилотларда ташкил этишга қаратмоқдамиз. Токи, ватанпарварлик ойлгини ҳар бир юртдошимиз ҳис этсин.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



«Халқ сўзи»
Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Президент ташаббуслари — амалда

IT-ПАРК: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Иқтисодийетимиз барқарорлиги, ҳар бир соҳанинг сифати ва самарадорлиги, аҳолига қулайликлар яратиш ахборот технологиялари билан боғлиқ. Шунинг учун бу соҳага янада кенг имконият, зарур инфратузилма яратиш, мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қобилиятли ёшларни тарбиялаш керак.



Шавкат МИРЗИЁЕВ

Президентимиз ўтган йилнинг 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш жараёнида Мирзо Улугбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига ҳам борди. Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар, муассасанинг истиқболли лойиҳалари ва режалари билан танишиб, ходимлар билан мулоқот қилди.

Хўш, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида IT соҳасини ривожлантиришга нима учун бу қадар катта эътибор қаратилмоқда? Ахборот технологиялари равнақининг фаровон ҳаётимизни таъминлашдаги ўрни қандай?

Ҳамма нарса қиёсда ойдинлашади

Бугун дунёда ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш орқали тараққиётга эришаётган давлатлар кўп. Масалан, ушбу соҳа Ҳиндистон иқтисодиётига ҳар йили 185 миллиард доллар даромад келтиради. Бу кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7,7 фоизи деганидир. Қолаверса, айни пайтда тармоқда 4 миллион киши иш билан банд.

Сўнгги йилларда ахборот технологиялари Беларусь иқтисодиётининг ҳам етакчи соҳаларидан бирига айланди. Ушбу мамлакатда ташкил этилган Юқори технологиялар парки Шарқий Европадаги энг етакчи IT кластер ҳисобланади. Масалан, 2018 йилда мамлакатдаги 14,5 фоиз иш ўрни айнан ушбу парк резидентлари томонидан яратилган.

Ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳам IT соҳасини ривожлантиришда янги тизим яратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йилда Ҳиндистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг амалдаги ижроси сифатида мамлакатимизда илк Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ташкил этилди.

Технопарк олдиға қўйилган вазифалар нималардан иборат?

Ахборот технологиялари соҳасида рақобатбардор маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун, аввало, қулай шарт-шароитлар зарур. Ушбу талабдан келиб чиқиб, технопарк олдиға қатор вазифалар қўйилган. Жумладан, резидентларни ўз фаолиятини ривожлантириши учун зарур бўлган юқори технологик инфратузилма ва замонавий лабораториялар билан таъминлаш, уларга молиявий, маркетинг, ҳуқуқий ва бошқа консалтинг хизматлари, шунингдек, бизнес-акселератор хизматлари кўрсатиш, ахборот технологиялари соҳасида янгидан иш бошла-

ган ва кичик корхоналарга стартап лойиҳаларни амалга оширишда, инновация фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда кўмаклашиш технопаркнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланган. Шунингдек, муассаса резидентларига лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш, хусусан, замонавий технологиялар ва дастурий маҳсулотлар трансферини амалга оширишда ёрдам беради. Уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун илмий, таълим ва ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолиятини интеграциялашга кўмаклашади, етакчи компаниялар ҳамда мутахассислар иштирокида ёш мутахассислар учун маҳорат дарслари, тренинглари ва малака ошириш курслари, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ҳамда семинарлар ўтказилади.

Мўъжаз IT-шаҳарча бунёд этилади

Диққатга сазовор жиҳатлардан яна бири шундаки, технопарк резидентлари сифатида рўйхатдан

Фикрлар, таҳлиллар, тақлифлар

Нодир ТУРДИМАТОВ, IT-парк резидент корхонаси раҳбари:

— Бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда, инновацияларни жорий қилиш учун шароит яратилиб, соҳага инвестициялар жалб этилган. Мамлакатимиздаги илк IT-парк маҳаллий стартап экотизмининг қўллаб-қувватлаб, соҳа вакиллари ҳаракатини янада рағбатлантиришга қулай шароит яратди.

Корхонамиз ўз хизматларини жаҳон бозорига экспорт қилиш билан шуғулланмоқда. Жумладан, АҚШдаги компанияларга логистика ва аутсорсинг хизматлари кўрсатамиз. Хизматларимиз тез, дунёдаги бошқа аналоглардан арзон ҳамда сифатли. Шу боис хорижликларнинг эътибори ва ишончини қозоняпти. Энг муҳими, барча фаолиятимиз Ўзбекистондан туриб ахборот технологиялари востисидида интернет орқали амалга оширилмоқда. Бу нафақат вақт, маблағ тежаси, балки интеллектуал мулк орқали юртимизга инвестиция киритиш имконини бераётир.

ўтган корхоналар 2028 йил 1 январга қадар солиқ ва боғжона тўловларидан озод этилган. Қисқа вақт ичида резидентлар сони 300 дан ортгани технопаркқа қизиқиш катта эканидан далолат. Муҳими, бу ерда нафақат мамлакатимиз, балки хорижий нуфузли компаниялари ва корхоналарига ҳам молиявий, маркетинг, юридик, консалтинг, логистика, аутсорсинг ва бизнес-акселерация хизматлари кўрсатишмоқда. Мисол учун, АҚШдаги транспорт лойиҳаларига логистика ҳамда кафе ва пиццаерияларга аутсорсинг бўйича технологик хизмат кўрсатилаётгани технопаркнинг яқин вақт ичида дунёдаги етакчи муассасалардан бирига айланишига ишончини оширади.

Бу ерда мутахассислар учун барча қулайлик яратилган, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган.

Технопаркнинг бугунги замон андозаларига мос фаолият юритишини таъминлаш, илғор тажрибани ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида Ҳиндистон Дастурий технологиялар парклари жамиятининг энг

яқши мутахассислари тақлиф этилди.

Технопаркда амалга оширилаётган лойиҳалар қўламининг тобора ортиб бораётгани унинг нақадар даромадли ва истиқболли эканини исботламоқда. Муассасанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2020 йилда 10 миллион доллардан ортиши кўзда тутилган. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 100 миллион долларга етади. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш режалаштирилган. Хусусан, технопарк жойлашган ҳудудда яна етти лотда офислар, бизнес маркази, меҳмонхона ва бошқа бинолар қурилиб, мўъжаз IT-шаҳарча бунёд этилади.

Ўзбекистон салоҳиятига ишонч катта

Ўтган йил охирида технопарк делегацияси Ҳиндистон Республикасига ташриф буюриб, Бангалор шаҳрида ташкил этилган аънавий технологик саммит — "Bengaluru Tech Summit — 2019"да қатнашди.

Жасурбек РЎЗМАТОВ, IT-парк резидент корхонаси иш юритувчиси:

— Ахборот технологиялари соҳасида ривожланган мамлакатларда ўқиб, тажриба тўпладик. Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон каби IT соҳаси кенг ривожланган давлатлардаги барча шарт-шароит Ўзбекистонда, хусусан, мазкур IT-паркда ҳам бор. Муҳими, Президентимиз меҳр ва эътиборини доимо ҳис қилиб турибмиз.

Мазкур технопаркнинг резиденти сифатида корхонамизга солиқ ва боғжона имтиёзлари жорий этилгани фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда. Бугунги кунда корхонамизда ишлаб чиқарилган дастурий маҳсулотларни Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Россия Федерацияси компанияларига сотаямиз ва уларнинг таъминотини Ўзбекистондан туриб олиб бораемиз. Фаолиятимиз мана шу суръатда давом этса, тез орада жаҳон IT бозорига етакчи ўринлардан бирига чиқиб олишимизга ишонаман.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»):

бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси, миллий амалиёт ва қонунчилигимиз инноватга олинди.

Тадбирда Қонуннинг бошқа жиҳатлари хусусида ҳам сўз юритилди. Масалан, иш берувчининг касоба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш борасидаги мажбуриятлари қонунадан белгилаб қўйилди.

Янги Қонун ходимлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда касоба уюшмалари учун қулай шарт-шароит ва кафолатлар яратишга, касоба уюшмаларининг иш берувчилар ва давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги механизмининг такомиллаштиришга ҳамда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қилиши ва пировардида тизим фаолияти замон талаблари даражасига кўтарилаётгани иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»):

Касаба уюшмалари:

ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган анжуман "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланди.

Янги Қонун

Қайд этилганидек, 2019 йил 6 декабрда Президентимиз томонидан имзоланган мазкур Қонун фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга ошириш, касаба уюшмаларини тузиш, улар фаолиятини ташкил этиш борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

"Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бундан 27 йил илгари қабул қилинган бўлиб, у

бугунги ислохотлар талабларига жавоб берадиган эди.

Шу боис янги ҳужжатни яратиш эҳтиёжи туғилди.

Янги Қонунда:

● Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқароларининг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи кўзда тутилган.

● Касаба уюшмаларини нафақат корхона-ташкilotларда, балки барча иш ўринларида тузиш мумкинлиги белгиланган.

● Касаба уюшмалари фаолияти асосий принциплари, яъни қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик, ўзини-ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошқоралик ва очиқлик таъминллари ўз ифодасини топган.

● Касаба уюшмалари нафақат давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, балки иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориши мумкинлиги назарда тутилган.

● Касаба уюшмалари ўз фаолиятида, шу жумладан, молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақиллиги, улар олдида ҳисобдор эмаслиги ва улар томонидан назорат қилинмаслиги мустақамлаб қўйилган.

Айём ТУҲФАЛАРИ

Юртимизда асрлар мазмунига тенг ўзгаришлар, юксалишлар юз бераётгани, айниқса, Янги йилни кутиб олиш лаҳзаларида қалбларимизни қувончу ифтихорга, фахру гурурга тўлдирди. Инсон манфаатлари, одамларнинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшашлари тамойилининг Янги йил шодиёналари билан уйғунлик касб этиши эса қуйидаги хабарларда ўз аксини топган.

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Янги йил арафасида Қонликўл туманида "Kamilaxan textil invest" МЧЖ ишга туширилиши билан 40 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Корхонада йилга 3000 дона тикучилик маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Тумандаги "Маданият"

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ҳамда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 10 нафар аёлга янги уйлар топширилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



Андижон вилояти тарихида илк бор адирлик ёнбағрида кўп қаватли уйлардан иборат аҳоли яшаш масканини бунёд этишга киришилди.

— 2019 йилдан бошлаб Хўжаобод туманининг Хидишча массивида 34 та беш қаватли уй қурилиши кўзда тутилган, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Иброҳимжон Холматов. — Шу кунларда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан дастлабки 11 тураржой биносининг қурилиши бошлаб юборилди.

Тураржой мажмуаси 2020 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилади.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Янги йил арафасида шарқона меъморчилик анъаналари асосида қайтадан барпо этилиб, фойдаланишга топширилган Гиждувон дехқон бозорида қарийб 110 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

сўлатлари сотишга мўлжалланган павильонлар, икки қаватли савдо дўконлари қурилди. Йўллар тартибга келтирилди. Сотувчи ва харидорлар учун қулайликлар яратилди. 1864 та савдо ўрнига эга очик павильон барпо қилинди. Натижанда икки минг киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бозор ҳудудида гўшт, сут, балик, мева-сабзавот, нон ва қандолат маҳ-

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах шаҳри марказидаги бир неча йиллар давомида қаровсиз қолган "Ўрда" экологик истироҳат боғида вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли ситуация марказ фаолият бошлади.

— Марказ томонидан 42 гектарлик майдонда 78 та видеокузатув мосламаси ёрдамида кузатув олиб борилади. Яқинда уларнинг сонини 138 тага етказиш режалаштирилган, — дейди вилоят ИИБ ахборот хизмати раҳбари Абулқосим Аҳмедов. — Мазкур бинода 3-сектор штаби ҳам ташкил этилган бўлиб, куннинг ҳоҳлаган вақтида аҳоли мурожаати қабул қилинади.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ



Хатирчилик Пирмуҳаммад ота Облоқулов нафақатда бўлса ҳам, у-бу ташвишлар билан давлат хизматларидан фойдаланиб турарди.

кўриб, мамнунлигини яшириб ўтирмади. Бу ерда мижозлар учун барча қулайлик яратилган. Электрон навбат, мурожаатчилар учун кутиш зали, 14 та қабул ойнаси, электрон табло, инфокиоск фаолияти, боғчалар майдончаси, мўъжаз кутубхона. Буларнинг барчаси туман марказига замонавийлик бахш этган Давлат хизматлари марказида муҳассам.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманган шаҳрининг "Юксалиш" тураржой даҳаси аҳли байрам арафасида қурувчилардан қўшалоқ совға олди. Бу ерда замонавий болалар боччаси ҳамда оилавий поликлиника аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 1,5 гектар майдонда барпо этилган 46-сонли давлат мактабгача таълим муассасасининг қурилиш ва жиҳозлаш ишларига 16 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Қунлик 100 кишилик қатнов қувватига эга бўлган 15-оилавий поликлиникада эса ўнға яқин тор доирадаги соҳа мутахассислари ҳамда умумий амалиёт шифокорлари беморларни қабул қилишди.

Айём ТУҲФАЛАРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Янги йил байрами арафасида Тайлоқ туманидаги Чарғобон маҳалласида 96 хонадондан иборат 4 та тўрт қаватли уй фойдаланишга топширилди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган, оғир ихтимой шариоатда яшаётган аёлларга имтиёзли шартлар асосида берилган тураржойларни ўз эгаларига топширишга бағишланган маросимда вилоят ва туман ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сардоба туманидаги Халқобод маҳалласида "Сирдарё барака чеварлари" МЧЖнинг 300 иш ўрнига эга бўлган замонавий тикувчилик фабрикаси фойдаланишга топширилди. Шу вақтгача ишсиз эдим, — дейди икки фарзанднинг онаси Муаттар Муродова. Туманимизда замонавий фабрика фаолияти йўлга қўйилганлиги биз учун катта совға бўлди. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ўтган йилнинг март ойидан буён "Сирдарё барака чеварлари" МЧЖ томонидан Ховос, Оқолтин, Сирдарё, Боёвут, Сайхунобод туманларида ҳам ана шундай корхоналар ташкил этилган эди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Термиз шаҳрида 14-давлат мактабгача таълим муассасасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 4 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди, барча шарт шариоатда. 2019 йилнинг ўзида Сурхондарё вилоятида 80 та давлат-хусусий шериклик ва 15 та хусусий мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 36 давлат мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди, янгидан қурилди. Натижада воҳада болажонларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичи 32 фоизни ташкил этди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилояти аҳолисининг 1 миллион 403 минг нафарга яқинини ёшлар ташкил этади. Айни пайтда уларнинг 246 минг нафари маданият ва санъат, 778 минг нафардан ортиғи спорт, 200 минг нафардан ортиғи эса китобхонлик билан қамраб олинган. Вилоятнинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида барча замонавий шариоатга эга бўлган вилоят "Ёшлар маркази" ҳам яқунланган йилда барпо этилди. Бугунги кунда ушбу марказда 15 та йўналиш бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 1 минг 600 нафардан зиёд ёшлар қамраб олинган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Янги йил арафасида Шохимардоннинг Шаланг тоғи бағрида 200 ўринга мўлжалланган, барча қулайликка эга "Марҳаматли Шохимардон" сийҳатгоҳи тантанали очилди. Шохимардон менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди туркиялик тадбиркор, вилоят ҳокимининг сайёҳлик бўйича маслаҳатчиси Зафар Қорадоғ. Бу ер жаҳон сайёҳлик марказларидан бири бўлишга муносиб. Гўзал табиати, дарёларининг мафтункорлиги, ҳаёт тарзининг ўзгача экани билан мени ром этди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Гурлан тумани ва Хива шаҳрида Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу марказларда болалар майдончаси, кутубхона, банк шохобчаси, шунингдек, Бош вазир қабулхонаси, солиқ, адлия, ФХДБ бўлиmlарни маслаҳатчилари, нотариус хизматлари учун махсус хоналар мавжуд. Бинолар замонавий ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган. 2019 йилнинг ўтган даврида фуқароларга 50 мингдан ортиқ 122 турдаги давлат хизматлари кўрсатилди, — дейди Гурлан тумани Давлат хизматлари маркази раҳбари Комилжон Нурматов. — Тумандаги чекка-чекка қишлоқларга сайёр давлат хизматлари кўрсатиш учун янги "DAMAS" автомобили ажратилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гузур тумани марказида "Ёшлар меҳнат гузари" фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Суннат Дўстов ташаббуси билан Ёшлар иттифоқи туман кенгаши ва "Ёшлар — келажакимиз" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёшлар меҳнат гузари" туман ёшлари учун янги йил совғаси бўлди. Гузур ҳудудида замонавий қулайликларга эга савдо мажмуаси ва ўқув маркази жойлашган. Унинг қурилишига тадбиркор 700 миллион сўм ўз маблағи ва 300 миллион сўм банк кредитидан фойдаланди.

«Халқ сўзи».

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАДБИРЛАРИ

ЎЗГАЧА ҚУВОНЧ, ШОДУ ХУРРАМЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

Юртимизда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун қишқи таътил кунлари давом этмоқда. "Президент арчаси" байрам тадбирлари улар учун унутилмас таассуротларни тўхфа этди.

ШУКУХ

Бухоро вилояти мусикали драма театрида "Президент арчаси" шодиёналари бўлиб ўтди. Унда боқувчисини йўқотган чин етимлар, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ихтимой муҳофазатга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди. Бугун қувончимизнинг чеки йўқ, — дейди Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Петр Голов. Президент арчасини орақиб кутамиз, — дейди 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Умид Носиров. Бу галги байрам кутганимиздан ҳам қизиқарли бўлди. Айниқса, Президент совғаси менга жуда ёқди. Совға ичида шахмат ҳам бор экан. Шу спорт тури бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлганман. Келгусида шахмат билан мунтазам шугулланиб, жаҳон чемпиони бўлмоқчиман.

2019 йил 29 декабрь кuni Самарқанд шаҳридаги "Олтин Самарқанд" ресторанида "Салом, Янги йил!" номли "Президент арчаси" байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирда меҳр-эйтиборга муҳтож болажонлар доимо давлат ҳимоясида экани таъкидланди. Ўғил-қизларга 6 номдаги ўқув куроллари, юмшоқ ўйинчок, шахмат ва 20 турдаги ширинликлардан иборат Президент совғаси тантанали топширилди. — Биз йил бўйи Янги йилни, Президент арчасини орақиб кутамиз, — дейди 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Умид Носиров. Бу галги байрам кутганимиздан ҳам қизиқарли бўлди. Айниқса, Президент совғаси менга жуда ёқди. Совға ичида шахмат ҳам бор экан. Шу спорт тури бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлганман. Келгусида шахмат билан мунтазам шугулланиб, жаҳон чемпиони бўлмоқчиман.

Корбобо ва Қорқиз, эртак қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган байрам томошалари, мусика

ва санъат мактаблари ўқувчиларининг концерт дастурлари болажонлар қувончига қувонч қўшди.

Фарғона шаҳри марказидаги муҳташам Санъат саройида болалар учун "Президент арчаси" Янги йил тадбири ташкил этилди. Санъат саройининг биринчи қаватида безатилган арча атрофида турли эртак қаҳрамонлари болаларни кутиб олишди. Қўлни-қўлга бериб, шўх қўшиқ ва шеърлар айтган байрам иштирокчиларининг қалби чексиз секинч ва ҳаяжонга тўлди. Саройнинг иккинчи қаватида эса болалар учун байрам дастурхони ёзилди.

— Ҳар йили юртимизда ўтказиладиган "Президент арчаси" тадбири бизга бир олам қувонч, қувонч қайғилиб ҳада этади, — дейди Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шахноза Хусанова. — Мамлакатимизда ҳеч бир бола меҳр ва эйтибордан четда эмас. Узим севган эртак қаҳрамонлари билан қўл ушлаш қўшиқ ва шеърлар айтганимдан жуда хурсандман. Президентимиз томонидан тақдим этилган совғалар бизни ниҳоятда қувонтирди.

Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам

"Президент арчаси" байрам тадбирини болажонларга бир олам қувонч бахш этди. Термиз шаҳридаги "Grand Almaz" тантаналар саройида ўтказилган тадбирда болажонларга Президентимизнинг ўқув куроллари, китоблар, турфа ширинликлардан иборат совғалари топширилди.

— Юртбошимизнинг янги йил совғаси қалбларимизни қувончга тўлдирди, — дейди Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Севинч Ашуралиева. — Халқимиз, давлатимиз раҳбарининг кўрсатган юксак эйтибори ва ғамхўрлигига жавобан келажакда Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга астойдил интиламиз.

Нукусдаги "Халқлар дўстлиги" хиёбонида "Президент арчаси" тадбири бўлиб ўтди. Унда Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди. Безатилган арча атрофида болажонларга Президент совғалари улашилди. Куй-қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади. Ана шундай тадбир Бердақ номидидаги Қўрақтўқ давлат академик мусикали театрида ҳам ўтказилди. Тадбирга ижтимоий ҳиммага муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган

оилалар фарзандлари тақлиф этилди. Байрам томошалари давомида уларга Президент совғалари тантанали равишда топширилди.

Наманган вилоятида ҳам юксак кўтаринкилик билан ташкил этилган "Президент арчаси" байрам тантанаси болажонлар учун унутилмас онларни тўхфа этди. Вилоят марказида жойлашган Алишер Навоий номидидаги мусикали драма театрида байрам тадбири ўтказилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманидан тантанана тақлиф этилган болажонларга Президент совғаси топширилди.

Жозибли рақслар ва жүшқин лаҳзалар билан ўтган театр томошасидан сўнг ўғил-қизларни мафтункорлиги билан Марказий Осиёда ягона дея эйтироф этилаётган афсонавий маскан — "Афсоналар водийси" ўзига чорлади. Муҳташам истирохатгоҳда ўғил-қизлар учун байрам дастурхони ёзилди. Болажонлар ранг-баранг ўйинчоклар, чироқлар ҳамда безаклар билан безатилган, баландлиги 39 метрли арча атрофида ўйнаб-қувнаб, Янги йил завқини дилдан туйдилад.

«Халқ сўзи».

«Ўзбекистон» сўзи янграганида кўзларимда қувонч ёшлари қалқди

Мен учун 2019 йил ҳар жиҳатдан муваффақиятли келди, деб айта оламан. Сабаби ўша йили Корея Республикаси Тоқош ишлар вазирилик ҳамада "KBS" телевидениеси томонидан ўтказилган "Quiz on Korea" халқаро дипломатия дастурида ғолиб бўлдим.

Сеул шаҳрида ўтказилган мусобақанинг учинчи раундидаги ҳаяжонни ҳеч эсдан чиқара олмайман. Бу босқичга қадар уч мамлакат иштирокчиси этиб келгандик. Бири германиялик, иккинчиси марокашлик, учинчиси мен. Жами йигирма мамлакат вакили қатнашган мусобақанинг энг ҳаяжонли ва қайноқ лаҳзалари — Жанубий Корея тарихи ва маданиятига доир саволлар ўртага

ташланди. Марокашлик битта, германиялик иштирокчи учта саволга жавоб берди. Мен эса бешта саволга тўғри жавоб бердим. Ғолиб номига қўшилиб, "Ўзбекистон" сўзи янграганида эса бўғзимга бир нима тиқилгандек бўлди, кўзларимда қувонч ёшлари қалқди...

Бу ютуқ ўз-ўзиндан келмади, албатта. Бу мамлакатимизда замонавий фикрлайдиган, бир нечта

хорижий тилларни билладиган, илгор ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга алоҳида эйтибор қаратилаётгани мевасидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда етуқ кадрлар тайёрлашга муносабат, талаблар ва ёндашувлар буткул ўзгариб кетди. Замон талабларига мос, юртимиз тараққиётида эҳтиёж юқори бўлган мутахассислар тайёрлайдиган янги университету институтлар ташкил қилинмоқ-

да, чет элнинг нуфузли олий таълим муассасалари филиаллари очилляпти. Ўқув даргоҳлари замон талабларига мос жиҳозланмоқда. Яратилаётган ана шундай шарт-шариоат ва имкониятлардан самарали фойдаланган, ўқиган, изланган, вақтида билим олган ёшлар халқаро миқёсда ҳам эйтироф қилинмоқда. Оруз-мақсадларим бисёр. "Quiz on Korea"га ўшарган, мисол учун "Quiz on Uzbekistan" деб номланган халқаро мусобақа ташкил этиб, бутун дунё эйтиборини ўзбек маданияти ва тарихини, тилини ўрганишга қаратмоқчиман. 2020 йил бу орузларга ана бир поғона яқинлаштиришига ишонаман.

Ҳамида ҚАҲРАМОНОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Дил сўзи

АСЛИДА ОЗОДЛИКНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИ БАЙРАМГА ТЕНГ

Янги йил байрамининг тинчлик-хотиржамликда, хурсандчилик билан ўз оиласи ва яқинлари даврасида нишонлашдек ортиқ бахт бўлмаса керак!

Аслида озодликнинг ҳар бир дақиқаси байрамга тенг. Бунинг қадрини ҳаётда адашганлар яхши билишади. Афсуски, мен ҳам 22 ёшимда ноҳўя хатти-ҳаракатларим учун суд ҳукмига қўра, 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Ўйлаб қарасам, ўша кунни ҳар сонияси олтинга тенг умримни хазонга айлантирибман. Жазони ўташ муассасасида қилмишимнинг салбий оқибатларини кеч бўлса-да, тўла англаб етдим. Қалбимни афсус-надомат қўлга олганди.

Айниқса, маҳалла-қўй орасида ота-онам ва яқинларимнинг бошини ҳам қилганим учун ўзимни қаттиқ койидим, қатъий тўзалиш йўлини танладим. Қилмишимга чин кўнгилдан пушаймон бўлдим. Англадимки, дунёда озодликдан улғу немат йўқ экан.

Конституциямиз қабул қилинганнинг 27 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига асосан афв этилдим. Бу менга Янги йилни ўз уйимда, оилам бағрида нишонлаш бахтини берди. Бунинг учун халқимиз, давлатимиздан миннатдорман.

Бугунгача тиббий қўриқдан ўтдим, янги биометрик паспорт олдим. Энг муҳими, ишга жойлашиб, доимий меҳнат фаолияти билан шугуллана бошладим. Туман ҳокимлиги қўмағи билан оиламиз учун имтиёзли кредит ажратилди. Менга билдирилган бу юксак ишончни оқлаб, жамиятимиз, юртимизга хизмат қилишга аҳд этдим.

Муҳаммад ШОМУРОДОВ. Сурхондарё вилояти, Мўрабат тумани.

ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН «ЎЗБЕК ЙЎЛБАРСЛАРИ»



Ифтихор

Яқунига етган 2019 йилда мамлакатимиз боксчилари дунё спорт оламини лол этгани бор гап. Айниқса, Екатеринбургдаги жаҳон чемпионати барчасидан ўзгача бўлди. Дунёнинг манаман деган чарм қўлқоп усталари ўзбек ўғлонлари олдида ожиз қолди. "Ўзбек йўлбарслари"нинг жаҳон чемпионатидаги "юрishi" чет эл спорт жамоатчилиги, экспертлари томонидан юқори баҳоланди. Америка, Европа ва Осиёнинг етакчи спорт, бокс наشري, интернет тармоқлари ҳали-ҳануз Ўзбекистоннинг боксдаги эришган ютуқларини турли талқинларда таҳлил этишмоқда.

Масалан, Россиянинг "AllFight.Ru" сайтида ёзишларича, "2019 йил ўзбек боксчиларининг эришган натижаси шу қадар юқори бўлдики, бунинг ортида ёшларга катта эйтибор, яратилаётган шарт-шариоат, спортчиларни доимий тарзда руҳлантириш учун иқтисодий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш ва энг асосийси, ишнинг профессионал ташкил этилганлиги юксак галабаларга замин яратди. Энди ўзбек боксчилари жаҳон рингларидан нафақат битта рақиб билан, балки бутун бошли бокс жамоасига қарши етакчиликни ушлаб туриш учун курашади. Бошқа жиҳатдан ўзбеклар ҳалқаро майдонда ўз сўзи борлигини яна бир бор кўрсатиб қўйди".

Қозғистонлик таниқли спорт журналисти Ербол Каиров "Нима учун Ўзбекистон Қозғистонни орда қолдирди?" сарлавҳали мақолада Екатеринбургда ўтган жаҳон чемпионати хусусида сўз юритиб, ҳар икки қўшни мамлакат спортчилари, мутахассислари, яратилаётган шарт-шариоатлар, боксчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги ва бошқа хусусиятларини атрафиликларга қўйиб, Ўзбекистон спортчиларида ватанпарварлик тамойиллари қучлилигини эйтироф этган.

Шунингдек, Американинг интернет наشري "FIGHTnews" маатериалида келтирилишича, Ўзбекистон 2019 йилдан эйтиборан ҳаваскорлар боксиде жаҳоннинг етакчи давлатига айланган. Океанортиқлик ҳамкасбларимиз эълон қилган рейтингда Ўзбекистон биринчи ўринда келтирилган бўлса, биздан кейинги поғоналардан Қозғистон, Куба, Россия, Озарбайжон, Франция жой олди. Мазкур рейтинг жаҳон чемпионатидан бирмунча олдинроқ эълон қилинганлигини инобатга олсак, вакилларимизнинг жаҳон рейтингинидаги ўрни бундан-да мустаҳкам бўлганлиги ойдинлашади. Бундай эйтирофларни кўплаб келтириш мумкин. Аслида интернет тармоқларида, нашрларда ўзбек боксчилари, унинг навқирон вакиллари Баҳодир Жалолов, Миразизбек Мирзахалилов, Шаҳобиддин Зоиров, Бобоусмон Ботиров ҳақидаги фикрларни, кунора учратиб турганимизгами, одатий ҳол сифатида қўниқиб ҳам қолдик. Иқтисодчилар "рақамларнинг тили бор", деб бот-бот тақорлашгани хуш кўришади. Рақамлар мурожаат этсак. Юртимиз боксчилари учун ўтган йилнинг 13 — 20 февраль кунлари Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган "Странджа" турнири йилнинг илк халқаро мусобақаси бўлди. Унда вакилларимиз 42 та давлат чарм қўлқоп усталари орасида 2 тадан олтин ва кумуш, 1 бронза медалга сазовор

бўлиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эғллаб, 2019 йилда халқаро мусобақалар "дарвоза"сини мардонавор очилди. Шундан сўнг, у Қирғизистон, Исроил, Қозғистон, Россия, Озарбайжон, Мўғулистон, Таиланд, БАА, Хитой, Беларусь, АҚШ, Франция каби қатор давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақаларда вакилларимизнинг юрт ори учун шиддатли курашлари бошланди. Эйтиборлиси, 2019 йил мобайнида хорижий мамлакатларда ўтган бирон-бир турнирдан спортчиларимиз медалсиз қайтишмади. Бу бугунгача бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси кўлга киритган медалларнинг сони ва сифатида ҳам ақс этган — 75 та олтин, 37 та кумуш ва 76 та бронза.

Айтишга осон. Аммо жаҳон ва қирма чемпионатлари, Бутунжаҳон армия ўйинлари, ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари ҳамда бошқа халқаро турнирлар нуфузи ва бу мусобақаларда ҳар бир медалнинг заҳмати нечоғли машаққатли эканлиги тасаввур этилса, Ўзбекистон боксчилари эйтироф жиҳатдан ҳам, рейтинг бўйича ҳам ва жаҳон чемпионатларидаги натижалар кўринишида дунёнинг етакчи жамоаларидан ойирга ўз-ўзидан эришмаганлиги ойдинлашади.

— Қайсикки соҳада ҳамжиҳат,

Отбек ЭШМАМАТОВ.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — О. Файзиев. МУСАҲҲИХ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6